25 03 97

НАВРЎЗ ДАСТУРХОНИГА

ЖИЗЗАХ. "Жиззахгўшт" ҳиссадорлик жамияти билан деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасида гўшт, чарв ёғи, колбаса, эритилган ёғ, суяк уни, совун вак бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бултур бир неча миллион сўмлик даромад олинди. Бирлашмада юздан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда. "160 тонна гўшт, 30 тонна колбаса ишлаб чиқариб, Наврўз байрами кунлари эл дастурхонига тортиқ қилмоқчимиз — дейди бирлашма бош директори ўринбосари Пардабой Исмоилов. — Шунингдек, етим-есирлар, боқувчисини йўқотган қарияларга 5 тонна гўштни арзон нархда етказиб бераміз".

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.

Бухоролик пайвандловчи Жалол Эгамов.

Ҳайдарали ҚУРБОНОВ олган сурат.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

УРГАНЧ. Ўзбекистон Олий Мажлиси Матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси Ўткир Ҳошимов, "Миллий тикланиш" газетаси бош муҳаррири Иброҳим Ғафуров, республика Давлат матбуот қўмитаси бошқармаси бошлиғи Жаббор Раззоқовлар Хоразмда бўлиб, "Журналист касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида" ва "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги Қонунлар-лойиҳаси юзасидан жойларда учрашувлар ўтказишди. "Хоразм ҳақиқати" ва "Хорезмская правда" газеталари ходимлари, вилоят телерадиокомпанияси ижодий гуруҳи билан ўтказилган давра суҳбатларида мазкур қонунлар лойиҳаси юзасидан фикр алмашилди.

Рўзимбой ҲАФАН.

КУННОМА

янгиликлар
воқеалар
хабарлар

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА ЭЪТИБОР

АНДИЖОН. Инсон манфаатлари йили бошланганидан бери ЎзХДП шаҳар кенгаши бу борада турли хайрли тадбирларни ўтказмоқда. Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти базасида ўтказилган кўргазмали семинарда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар атрофлича муҳокама қилинди. Хусусан, уй-жой қурилиши тезлатилди. Цехларда алоҳида ҳордиқхоналар ташкил этилди. Ишчи-хизматчиларга яхши тушлик тайёрланмоқда.

Ахмадилло СОЛИЕВ.



Баҳорий кайфият.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

МАҲАЛЛА ВА МАЪНАВИЯТ

ТОШКЕНТ. Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида "Маҳалла — маънавият, маърифат ва тарбия маскани" мавзуида республика семинар-кенгаши ўтказилди. Йиғилишда маданият ишлари вазири ўринбосари Р. Юнусов, "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси ўринбосари Д. Ҳусанов, Яккасарой тумани маданият бўлими мудири М. Мирзараимов, Собир Раҳимов тумани Беруний номидаги маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси Н. Қаҳҳорова, Андижон вилояти маданият ишлари бошқармаси бошлиғи У. Ҳайдаров ва бошқалар қизиқарли маърузалар қилдилар. Йиғилиш охирида "Муҳаббат қасри" спектакли намойиш этилди.

Абдурашид АБДУЛЛАЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 1 март, шанба № 27 (22.111).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЛОТИН ЁЗУВИНИ ЎРГАНМОҚДА

НАВОИЙ. *Қизилтепа туманидаги 218-автокорхона жамоаси лотин алифбосини ўрганмоқда. Сешанба, пайшанба кунлари муҳандис, шофёр ва ишчилардан иборат қарийб 60 нафар киши икки гуруҳда машғулотлар ўтказишмоқда. Лотин ёзувини ўрганиш қўргазмали қуроллар воситасида олиб бориляпти.*

Баҳодир ЭГАМОВ.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ **Италия бош вазири Романо Продининг Украинага ташрифи ниҳоясига етди. Ташриф якунида Р. Проди ва Украина Президенти Л. Кучма журналистлар учун матбуот анжумани ўтказди. Унда Л. Кучма «НАТОнинг кенгайиш жараёни Россия билан Украинанинг иштирокисиз ривожланиши мумкин эмас»лигини таъкидлаб, Россия ва Украина давлатлари билан Шимолий Атлантика ҳарбий иттифоқи ўртасида бир вақтнинг ўзида битим имзолансагина Украина ўзини хотиржам ҳис қилиши мумкинлигини айтди.**

* * *

☑ **Қуддус шаҳрининг шарқий қисмида яҳудийлар учун янги турар жойлар қуриши борасидаги Исроил ҳукумати истаги АҚШ маъмурияти томонидан танқид қилинди. АҚШ давлат департаментининг расмий вакили Николас Бернс бу ҳақда баёнот бериб, Исроил ҳукуматининг ушбу режасини қоралади ҳамда «бундай қадам ўзаро ишонч ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмаслигини» таъкидлади.**

* * *

☑ **Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Индер Кумар Гужрал мамлакат парламентининг қуйи палатасида сўзга чиқиб, шу ойнинг ўзидаёқ Хитой аскарлари Ҳиндистон—Хитой чегарасини 6 марта бузганини маълум қилди.**

* * *

☑ **Шри-Ланкада махсус рухсатномасиз ўт очувчи қурол сақлаган фуқароларнинг ўлим жазосига маҳкум этилиши тўғрисида қонун чиқарилди. Маълумки, яқинда Президент Чандрика Кумаратунга ташаббуси билан мамлакатда ғайриқонуний сақланаётган ўт очиш қуролларини ихтиёрий равишда топшириш бўйича умуммиллий тадбир ўтказилган эди. Бироқ, бу тадбир кутилган натижани бермагач, махсус қонун чиқаришга тўғри келди.**

* * *

☑ **Покистон ташқи сиёсат маҳкамасининг янги раҳбари Гавҳар Аюбхон ўз лавозимига тайинланганидан сўнг ўтказган илк матбуот анжуманида Покистон ҳукумати Ҳиндистон билан алоқаларни яхшилаш ҳамда икки мамлакат ўртасидаги мавжуд барча муаммоларни тинч йўл билан ҳал этиш ниятида эканини билдирди. Гавҳар Аюбхон таниқли сиёсатчи, Миллий ассамблеянинг собиқ раиси, Покистон мусулмонлари лигаси (ПМЛ) партиясининг йирик раҳбарларидан биридир.**

ПРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ АЛМАТИ УЧРАШУВИ

АЛМАТИ, 28 февраль. (ЎзА махсус мухбири Муҳаммад ШАРИФ хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича олий даражадаги учрашувида иштирок этиш учун бугун Қозоғистон Республикаси пойтахти Алматига келди.

Мамлакатимиз раҳбари сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида, бугунги кунда Орол фожиаси аллақачон халқаро аҳамият касб этгани ва уни бартараф этиш фақат ушбу минтақадаги давлатлар эмас, балки йирик халқаро молиявий ташкилотларнинг ҳам ўзаро бош қовуштириб фаол ҳаракат қилишини тақозо этади, деб алоҳида таъкидлади. Зеро, Орол ҳалокати оқибатлари миллионлаб кишилар ҳаётига дахл қилади.

Шу маънода, Алматида Ўзбекистон Президенти И. Каримов, Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев, Қирғизистон Президенти А. Акаев, Туркманистон Президенти С. Ниёзов, Тожикистон Президенти И. Раҳмонов ўртасида бўлган суҳбат ишчан ва амалий руҳда ўтди, дейиш мумкин. Президент Н. Назарбоев Орол денгизини қутқариш халқаро жамғармасининг ўтган давр мобайнида амалга оширган ишлари ҳақида ахборот берди. Шунингдек, Президентлар мазкур жамғарма маблағини ташкил этиш бўйича қабул қилинган давлат раҳбарлари кенгаши қарорининг ижроси, Орол муаммоси билан шуғулланаётган минтақавий муассасалар мақоми, Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича давлатлараро кенгаш ижроия қўмитаси ва жамғарма бошқарув кенгаши таркиби ҳамда Орол бўйидаги экологик аҳволни яхшилашга қаратилган дастурнинг бажарилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Шундан сўнг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги мажлиси бўлди. Унда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам иштирок этди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Орол денгизини қутқариш халқаро жамғармасининг Президенти этиб тасдиқланди. Маълумки, шу пайтгача бу вазифани Президент Н. Назарбоев бажариб келган эди.

Учрашув якунида томонлар Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш масалалари бўйича Алмати Декларациясини қабул қилдилар.

(ЎзА).

ҚОНУНЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Тошкентда Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фондининг (МДФ) навбатдан ташқари конференцияси бўлиб ўтди. Унда фонд кенгаши аъзолари, жамғарманинг Қорақалпоғистондаги ва вилоятлардаги бўлимлари вакиллари, журналистлар иштирок этдилар.

Конференция иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги ва «Журналистларнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари лойиҳаларини муҳокама қилдилар. Ушбу қонунлар лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига қўйилишининг ўзи мамлакатимизда демократия тамойиллари кенг ўрин олаётгани исботи экани таъкидлаб ўтилди.

Анжуманда МДФ ташкил этилганидан буён ўтган муддат ичида амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот тингланди.

Конференцияда ташкилий масала кўрилди. «Ҳуррият» газетасининг бош муҳаррири Хуршид Дўстмуҳаммад жамғарма ҳамраиси этиб сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон Президенти девони ахборот маркази раҳбари Абдусаид Кўчимов иштирок этди.

(ЎзА).

От изини той босар.

С. ВЕЛИЧКИН олган сурат.

Партия ахбороти

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Г. Субҳонова бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод этилди. И. Умурзоқов вилоят партия кенгашининг биринчи котиби, Н. Икромов иккинчи котиби этиб сайландилар.

Пленумда ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов, вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев нутқ сўзладилар.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП МК котиби Ҳ. Авезов иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Спорт

БАЙРОҒИМИЗ КЎТАРИЛДИ

Пхеньян шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада муз устида нафис ҳаракатлар бажариш бўйича вакилларимиз ажойиб ғалабага эришдилар. Жумладан, Татьяна Малинина билан Роман Скорняковнинг чиқишлари мухлису мутахассисларни ром этди. Уларнинг ғалабаси шарафига мамлакатимиз Давлат байроғи кўтарилди. Яна бир вакилимиз Анастасия Гамазетдинова кумуш медаль соҳиби бўлди. Елена Ершова билан Евгений Свиридов ҳам фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

ФРАНЦИЯДА ОЛҚИШ ОЛИБ

Иқтидорли дона суриш устаси Рустам Қосимжонов Францияда ўтказилган анъанавий мусобақада эътибор топди. Учинчи марта ташкил этилган бу баҳсда Рустам французлар меҳрини қозонди. У тенгдошлари билан совринли ўринларни баҳам кўриб, гроссмейстерлик талабини бажарди. Бултур эса вакилимиз Александр Ненашев 513 нафар шахматчи орасида биринчи бўлганди.

ҚОРАБЕЛБОҒЛИЛАР БАҲСИДА

Бельгияда ўтказилган очиқ чемпионатда 200 нафар каратэчи водорью усули бўйича ўзаро курашди. Қорабелбоғлилар баҳсида Анвар Ирназаров ғалаба қозонди. Илья Фаттоҳов қизил белбоғлилар сафида тўртинчи бўлди. Умумжамоа ҳисобида вакилларимиз кубокни қўлга киритишди.

СЎЗНИНГ ҚАНОТИ

Инсон ва кўнгил ҳақидаги энг мукаммал фан, дунё ва ҳаёт ҳақидаги салмоқли қомус — адабиётдир. Бир қарашда улар тўғрисидаги тадқиқотлар тугагандек туюлади. Аммо адабиётга чуқурроқ кирганингиз сари Инсон ва Қалб оламида ўз кашфини қутаётган сирсиноат сероблигига ишонч ҳосил қиласиз. Инсон руҳиятида махфий ётган бунёдкорлик кучларини олам ва одамга аён этиш, унинг қудратини мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ишига йўналтириш адабиётимиз, адибларимиз олдида турган муҳим вазифадир.

Очиғини айтганда, адабиёт олдига ижтимоий вазифа, фалон куни фалон мавзуда фалон ҳажмдаги асар тайёр бўлсин, қабилида талаб қўйиш эришдек туюлади. Бироқ инсон кўнглини, ватандошларимиз тафаккурини, мустақиллигимиз беланчагида вояга етаётган фарзандларимиз маънавиятини бойитиш, уларнинг қалби ва кўнглини маърифат нури билан ёритишнинг аҳамияти қайси ижтимоий вазифадан кам?

Лўғатимизда «мустақиллик адабиёти» деган ибора пайдо бўлди. Бундай мезон нисбий эканини биламиз. Шуни ҳам биламизки, совет тузуми миллий адабиётимизни ўз қобиғига ўралаштириб қўйди. У Шарқ маданияти тарихида ғоятда салмоқли ўрин тутган ўзбек адабиётини шунчаки бир хонаки машғулотга айлантириш сиёсатини қўллади. Шарқ дунёнинг қоқ ярмини ташкил этса, шу ярим дунёнинг сўз гавҳари ва маъно дурлари билан зийнатланган адабиётимизни азалий хазинасидан мосуво этди. Илғор Ғарбнинг прогрессив адабиёти, Лотин Америкасининг мутлақо оригинал фикрий

Даъват

насри эшиклари биз учун берк эди. Адабиётимиз, бироз муболаға билан айтганда, Шарқдан узилиб, Ғарбга етолмай қолди, жаҳон адабиёти деганда рус тилида ёзилган асарларни тушунадиган бўлиб қолдик. Ҳовуз ичидаги тилла балиқча қанчалик қиммат-баҳо бўлмасин, кимга керак! Адабиёт тилла балиқча ҳолига тушса, шу маъсум жонивордек дунё кўрмай ўтади. Адабиётга, хусусан, сунъий чегара ва қолиплардан халос бўлган адабиётга оқар дарёлар, тиниқ фикр ва тиниқ туйғулар керак!

Мустақиллик адабиёти ўтган тўрт-беш йил орасида яратилган асарлардангина иборат эмас. У миллатдошларимиз руҳига истибдод занжири солинган даврдан бошланган. Мустақиллигимиз адабиётини жаҳон адабиёти мазмун-мантиғи билан бойитиш, унинг шу кунимиз учун зарур бўлган жиҳатларини ижодий ўрганиш адибларимиз ижодий лабораторияси учун материал бўлади, ватандошларимизнинг маънавий оламини дунё маданияти гавҳарлари билан бойитади. Зеро, бугунги ёшларимизнинг инсоният яратган энг илғор маданият намуналаридан баҳраманд бўлиши — мустақиллик эҳтиёжидир. Илғор маданият эса ёшларимизга ватанпарварлик ва имон-эътиқоддан, тўғрилик ва адолатдан сабоқ беради.

Ўзбек ўқувчиларини жаҳон маданияти дурдоналари билан таништириш адабиётимиз ишида нисбатан эътибордан четда қолиб келаётган эди. Нашриёт ва таҳририятларда таржима асарлари ғаладонга ташлаб қўйилар, ўзимизнинг адибларимиз асарларини чоп этиш осон бўлмаган бугунги шароитда, уларга йўл бўлсин, деган мазмундаги муносабатга дуч келар эдик.

«Жаҳон адабиёти» журналини ташкил этиш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори мустақиллик адабиёти ривожини катта йўлга олиб чиқувчи омиллардан бири бўлиб қолади. Миллий адабиётимиз тараққиёти, ёшларимизни инсоният маънавий мероси дурдоналаридан баҳраманд бўлишлари борасида ушбу Қарорнинг аҳамияти беқиёсдир.

С. АШУР.

Аччиқ, аммо очиқ гап

ДАРДИНГ БЎЛСА ҲАМ, ҚАРЗИНГ БЎЛМАСИН

Коса кўзага текканда Сурхондарё вилоят электр тармоқлари идорасининг дебитор қарзи 1 миллиард сўм атрофига етиб қолди. Шу жиҳатдан идора вилоятда «пешқадам» марраларда турибди.

Қумқўрғон туман электр тармоғи идорасининг дебитор қарзи эса 112 миллион сўмга етди. Хўш, буни юз хотирчилик деймизми? Ёки «қарзни рўкач қилиб электр қувватини ўзиб қўйсанг, пахта, ғалла экинлари сувсизликдан (туман экинзорларининг 70 фоизи электр насослари билан суғорилади) нобуд бўлади. Қарз-парзингни билмайман, электрни узмайсан», деб айюҳаннос солишни маъқул кўрадиган катта қарздор ташкилотларнинг электр тармоғи идораси раҳбарларига зуғуми оқибатими?

— Асосий ишимиз қарзларни қисташ бўлиб қолди, — дейди идора бошлиғи Тоштемир Тўраев. — Хўжаликлар, ташкилотлар қарзни тўлашдан қочмаслигини айтишади. Иш банкка тақалганда «музлаб» қолади. Банк атайлаб қарз тўловини орқага суради. Амалий ёрдам сўраб ҳокимликка, тегишли идораларга қилган мурожаатларимиз натижасиз қолиб келди. Бугунги кунда бўлса яна ўзимиз «виноват» бўлиб ўтирибмиз. Қарзни вақтида ундириб ололмаганимиз учун, аниқроғи, туман «Пахтабанк»и қарздор томондан ҳисобимизга бор пулни ўтказишини чўзиб келгани учун айб бизга ағдарилади: жарима тўлаймиз, интизомий ва яна бошқа жавобгарликлар. Қарзни тўламагунча электр йўқ, деб туриш ёки қарзни бермаяпти деб кимнидир судга бериш бир жиҳатдан осон иш кўрингани билан... Э, буёғини айтаверсангиз «давление» кўтарилиб кетади...

Шу ўринда куни кеча Вазирлар Маҳкамасида ўтган йил якунлари ҳамда 1997 йилда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар устувор йўналишларига бағишланган йиғилишда юртбошимиз дебиторлик ва кредиторлик қарзлар муаммосини ҳал қилиш масаласига алоҳида эътибор берганликлари, бу борада масъулиятсизлик ва лоқайдликка йўл қўйиб, қўл қовуштириб ўтирган раҳбарларни жиноий жавобгарликка тортиш лозимлиги ҳақида куйинчаклик билан айтган гаплари ёдимизга тушади. Тўғри-да, айбдорлар ҳам, жавобгарликка тортилиши керак бўлганлар ҳам хўжакўрсинга шартнома тузишади. Шунинг учун ҳам у амал қилмай, қоғозда қолиб кетаверади. Яна бир томони, юқорида тилга олганимиздек, жойларда банклар ҳанузгача корхона ва тадбиркорликнинг ҳақиқий ҳамкори ва кўмакчиларига айлана олмаяптилар. Бу боқибеғамликми ёки?..

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БОЗОРНИ ТАДБИРКОРЛАР ТЎЛДИРАДИ

Навоий вилояти матлубот ҳиссадорлик жамиятлари уюшмаси раиси Раҳим ШАРИПОВ билан суҳбат

— Раҳим Рашидович, дастлабки саволни касбингизга бўлган муносабат, меҳр ва иштиёқдан бошласак. Қани айтинг-чи, эгаллаб турган лавозимингиз, кунлик бажараётган ишингиз сизни қаноатлантирадими?

— Ҳозирги ўтиш даври қийинчиликлари, кишиларнинг келажакка бўлган ишонч туйғулари ишимизни қайта қуришга, адолат тарозисини маҳкамроқ ушлашга ўргатди. Энди эскичасига ишлаш, «олма пиш — оғзимга туш» қабилида депсинишлар асло ярамайди. Қалбида мустақиллик, истиқлол ҳис-туйғуси жўш урган, янгичасига ишлашга бел боғлаган ҳар бир ўзбекистонлик эндиликда соғлом ва теран фикрлаши, ўзини бозор муносабати даврининг уддабуронлари, деб санаши керак. Қаерда иқтисодий алоқалар, мол айирбошлаш ва ҳамкорликлар кенг ривожланган бўлса, ўша ерда ўсиш бор. Бунга мисол қилиб Америка, Япония, Хитой, Италия, Олмония сингари ўнлаб ривожланган мамлакатларни кўрсатиш мумкин. Шундай экан, чақани сўмга, сўмни валютага, сармояни эса олтинга айлантиргандагина ютишимизни асло унутмайлик.

— Ҳудудий ва сарҳадлар жиҳатидан навқирон Навоий вилояти Голландия, Италия сингари давлатлар билан тенг. Бунинг устига вилоятнинг умумий майдони ярмисини чўл ва ярим чўл зонаси ташкил этади. Айниқса, олис Учқудуқ, Томди, Конимех, Нурота туманларида кунлик харид моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотида оз бўлса-да муаммолар мавжуд. Бу ҳақдаги фикрингиз?

— Нафақат биз, савдо ходимларини, балки вилоят ҳокимлиги масъул ходимларини ҳам худди шу чўл ва чўлолди шаҳар ва туманлари иқтисодиёти, аҳолисининг ижтимоий ҳимояси ўйлантиради. Биз вилоят марказига ёхуд марказолди туманларга кундалик истеъмол учун зарур бўлган — ун, ёғ, макарон, шакар, тузни ҳар куни етказиб беришимиз мумкин. Бироқ Қизилқум орасидаги Зарафшон ва Учқудуқдан ёки Томдибулоқдан 100-120 километр олисликда бўлган чўпонлар овулига, отарига қандай қилиб ҳар кунлик рўзғор молларини етказиб бериш мумкин? Худди шундай олис йилқи ва туячилик ўтовларини айтмайсизми? Хуллас, бу ва бунга ўхшаш муаммолар анчагина. Узоқми, яқинми қаерда бўлмасин, барибир инсон учун ижтимоий ҳимоя кафолатланган. Ана шу аснода ишимизга масъулият, талабчанлик ва тадбиркорлик билан ёндашамиз. Талабчанлик самараси бўлса керак, ўтган йилда аҳолига савдо хизмати кўрсатиш режасини 114,3 фоизга бажардик. Вилоят бўйича йил давомида аҳолига 800 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди.

Мавжуд моллар турига қараб турмасдан четдан марказлашмаган ҳолда харид моллари келтиришни ҳам 1995 йилга нисбатан 2 баробар оширдик.

Ислоҳот ва масъулият

Вилоятимизга ош тузи, чой, совун, ун, шакар сингари кундалик харид молларидан 270 миллион сўмлик олиб келинди ва бу сингари моллар тақсимотида барқарорлик юзага келди. Бироқ кунлик харид ва истеъмол молларида узилишлар бўлмаслиги, чўпон-чўлиқлар, йилқи ва туябоқарларнинг ҳақли эътирозига йўл қўймаслик учун ҳали кўп ишлаш керак. Айниқса, ҳар кунги рўзғор моллари билан савдо қилувчи дўконларни муттасил кўпайтириш лозим. Шунингдек, ҳаракатдаги кўчма дўконлар сонини ошириш зарур.

— Четдан мол олиб келишда сиз раҳбар бўлган жамият бирмунча ишларни қилди. Бугун нафақат Ҳамдўстлик мамлакатлари, балки хорижий Ғарб давлатларидан ҳам Навоийга у ёки бу маҳсулот турлари олиб келиняпти. Шундай экан, амалдаги шартномалар, мол айирбошлаш ва ҳамкорликлар хусусида ҳам тўхталсангиз?...

— Ҳолва деган билан оғиз чучимаганидек ташқаридан мол келтириш осон иш эмас... Айниқса, ҳозирги давлатлараро чегара тизими такомиллашган, халқаро аҳамиятга молик божхоналар ташкил этилган бир пайтда! Лекин биз чет эллик сармоядорлар, йирик фирма ва компаниялар билан у ёки бу маҳсулот турлари бўйича қатор шартномалар туздик. Натижада уюшмамиз тизими бўйича савдо ташкилотларимиз консигнация ва чет валютасини конвертация қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Четдан келтирилган 180 миллион сўмлик истеъмол ва истеъмолда бўлмаган моллар конвертация йўли билан аҳолига сотилди. Бунга мисол қилиб 5600 тонна ун, 50 тонна қандолат маҳсулотлари, 20 тонна сариғ ёғ, 264 дона енгил автомашина, 358 дона музлатгич, 655 дона телевизор, 500 кубметр ёғоч ва бошқа тур товарларни кўрсатиш мумкин. Ана шундай лаёқатли, меҳнатсевар кадрларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Улар кўмагида ташқи иқтисодий алоқаларни янада кенгайтирамиз.

Муштарак мақсадимиз битта. У ҳам бўлса хорижий сармоядорлар излаш, таниқли чет эл фирма ва компаниялари билан иқтисодий алоқаларни янада кўпайтиришдир.

— Сизнингча, кўпроқ нималарга эътибор қаратилса, вилоят савдо тизимида ислоҳотлар кўлами ортади?

— Элимизга намунали, қўйингки, замонавий савдо хизмати кўрсатишнинг бирдан-бир йўли бу — савдо дўконларини ҳақиқий акциядорлар қўлига топшириш. Қачонки, дўкондор мустақил бўлсагина харидоргир моллар сони ва сифати ортади. Шунингдек, уюшмамиз ва тизимимизда ишлаб чиқариш тармоғини шакллантириш лозим. Бу ишлаб чиқариш тармоғи халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган кичик корхона, цехлардир.

Ҳозирги кунда ҳиссадорлик жамиятининг асосий вазифаси вилоятдаги пул эмиссияси даражасини пасайтириш ва нақд пул билан савдо қилишни мунтазам оширишдан иборат. Бунинг учун эса савдо маданиятига қаттиқ амал қилиш ва савдо нуқталарида касса аппаратлари бўлишига эришиш ва улар ишини доимий назорат этиш даркор. Ана шундагина ишимиздан ҳамма рози бўлади. Хуллас, бугунги ислоҳотлар олдида қўл қовуштириб, «Отангга бор, онангга бор» қабилида иш тутиш ярамайди. Қадим ўтмишда ҳам бозорни тадбиркорлар, ишбилармонлар тўлдирган. Бугун ҳам шундай, эндиликда жаҳон бозорлари эшиги олдисотдини маромига етказганларга ланг очиқдир.

Суҳбатдош: Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қишлоқда техника хизмати

Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уни муттасил равишда ривожлантириб бориш деҳқон қўл меҳнатини камайтиради ва иш самарадорлигини оширади. Хўш, бу борадаги ишлар қониқарлими? Дала меҳнаткашлари ўзининг кўмакчиси бўлган замонавий техникага эгами? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида мухбиримиз республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг механизация Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳаким АСАМОВга мурожаат этди.

— Ҳозирда қишлоқ меҳнаткашлари, деҳқон-фермер хўжаликлари аъзоларини замонавий техника билан таъминлаш дастури ишлаб чиқилган. Дастур деҳқонларимиз етиштирадиган маҳсулот турлари ва уларни ишлаб чиқариш ҳажмлари, турли мулкчилик шаклларининг юзага келишида деҳқончилик маданиятини юксалтиришни ўз ичига олади. Унинг асосий йўналиши, юқори унумда ишлай оладиган илғор техникаларни амалиётга жорий этишга қаратилган.

— Ҳаким Асамович, шу ўринда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига кириб келган хорижий техникалар ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.

— Хорижий давлатлардан келтириладиган ҳар қандай техника пухта синовдан ўтгач, танлов асосида олиб келинади. Ўтган икки йил ичида олиб борилган синов натижаларига кўра «Кейс корпорейшн» (АҚШ) фирмасининг ғалла ўрадиган комбайнлари илгари Россиядан келтириладиган комбайнларга нисбатан қатор афзалликларга эгалигини кўрсатди. Жумладан, «Кейс» комбайнининг кунлик иш унуми уч-турт баробар юқоридир.

Республикамиздаги кўпгина хўжаликлар «Кейс» комбайнлари орқали «Нива» ва бошқа комбайнлар ўрган сувли майдонларда уларга нисбатан 8-10 центнер кўпроқ ғалла олишга эришди. Бу «Кейс» бошоқли донларнинг нобудгарчилигига барҳам бера олади, демакдир.

Шунингдек, техника хавфсизлиги, механизаторлар учун меҳнат шароитининг қулайлиги тўла талабга жавоб беради.

«Кейс» фирмасининг 2 ва 4 қаторли пахта териш машиналари ҳам синовдан яхши ўтди. Улар юқори ҳосилли пахта далаларида ишлатилганда, 89-93 фоиз пахтани тера олиши мумкинлигини исбот этди. Бу пахтачиликдаги энг юқори самарадир. Агар далада ғўза бир текис ривожланиб, қусаклар тўлиқ очилса, бир марта теришдаёқ ҳосилни йиғиб-териб олиш имконини беради.

— Кўпчилик «Кейс»нинг ниҳоятда қимматлигини таъкидлашмоқда. Айниқса, баъзи хўжаликлар «ўтириб» қолган ҳозирги даврда уни сотиб олиш имконияти бўлмаса керак.

— Тўғри, лекин бунинг ечимини топиш мақсадида жойларда хўжаликлараро механизация хизмати кўрсатадиган корхоналарни ташкил этиш йўлга қўйилган. Республикада шартнома асосида хизмат кўрсатадиган МТП (машина-трактор парклари)ни тузишга киришилди. Барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида тузилган 72 та МТП хизматидан ўтган йили 500 та хўжалик фойдаланди. Яъни 171 минг гектар майдонга уларнинг кучи билан чигит қадалди. 400 минг гектар ер сифатли ҳайдалди ва 287 минг гектар майдондаги ғалла, шоли ўрилди. Бундан ташқари, 1 миллион гектардан ортиқ майдондаги экинлар оралиғига ишлов берилди.

МТП га республика ҳукуматининг катта мадади туфайли лизинг асосида 431 та «Кейс-2166» ғалла ўриш комбайнлари, 150 та «Магнум-7240» тракторлари берилди. У сервис хизматини ҳам ўз ичига олади.

Республикамизнинг барча туманларида МТП ларни тузиш 2000 йилгача тугалланиши керак эди. Аммо, уларнинг самарадорлиги ва давр тақозоси инобатга олиниб, бу ишни шу йилнинг ўзидаёқ тугаллаш вазифаси қўйилди. Баҳорги дала юмушларига қадар 108 та туманда машина-трактор парклари тузиш бўйича ташкилотчилик ишлари олиб бориляпти.

Яна бир гап, «Кейс» комбайнлари учун ўргич агрегатлари ва пахта териш машиналари аппаратларини республикамизнинг ўзида ишлаб чиқариш борасида ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида келгусида бу техникалар қиймати арзонлашиши табиийдир.

— Хизмат сафарларида бўлганимизда жойлардаги трактор саройларининг ачинарли аҳволга келиб қолганини кўрасан киши. Қолаверса, қаровсиз, очиқ майдонда ётган ҳар қандай техника «умри» қисқариши маълум.

— Гапингиз тўғри. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида комплекс механизация ривожланиши учун қатор муаммоларга дуч келинди. Техникалар таннархи ниҳоятда ошиб кетди. Шундай пайтда жойлардаги хўжалик раҳбарларининг ўз жамоаси мулкига бефарқлигини сира кечириб бўлмайди. Мавжуд техникалардан оқилона фойдаланиш, трактор саройлари ва устахоналар ишини яхшилаш давр талабидир.

Суҳбатдош: Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши. **Ҳайдарали ҚУРБОНОВ олган сурат.**

Кўзгудаги ўзимиз

ни кўпроқ суядиган зот ҳам шу оналар...

Бу ҳовлига беш келин бош эгиб кириб келганди. Сунг йил ўтмай, ҳар бири юкларини машинага ортиб эрлари билан ўзга ҳовлиларга ошиқишди. Она уларни ҳар гал оқ фотиҳа билан кузатиб қоларди. Кузатиб қоларкан, кўзларига ёш тулиб, юраги узилиб-узилиб кетарди. Сунг бир ўзи ғариб ҳовлида ғарибгина бўлиб яшайверди. Неки яхши туш кўрса болаларининг камолига йўйиб, ёмон туш кўрса болаларини дуо қилиб яшайверди...

Она қазо қилгандан сунг ота ҳовли қайта тикланди. Безаб-бежалди. Тўнғич невара унга «меросхўр» бўлди. Бу ҳовлида тўй-тўйчиқлар ўтказилди, Ҳар тўй бошланишида она ҳаққига дуолар қилинди, хонандадан «шу она хотирасига битта қўшиқ айтинг» дея илтимос ҳам қилишди. Хонанда эса у қўшиқни чўзиб-чўзиб, маҳзун-маҳзун куйлади:

Онани иззат қилинг,
Кўнглида ғам бўлмасин...

Шу даврага четдан туриб бир боқинг-а. Онанинг руҳи ҳовли атрофида кезиб юрганини қалбан ҳис этасиз. Қаердайкин, у? Ҳу, анави тандир ёнидами? У тандир эскидан-эски, устига йиртиқ қоп ташлаб қўйилган. Бу тандирда она умри буйи нон ёпиб чарчамади. Иссиқ нонига иссиқ меҳрини қўшиб фарзандларига узатаверди у. Узатаверди. Шу тандирнинг илк кулчалари беш гўдакнинг болишчалари остига қўйилди. Беш ўғил болишчалари тагидаги шу кулчаларни ҳидлаб улғайишди. Энди...

Ҳу, учоқбоши томонга бир қаранг. Бу учоқ ёнида бир пайтлар она энг лаззатли таомлар пишириб, фарзандларини кутарди. Аммо, овқат тагига олиб кетса кетардики, фарзандларидан дарак бўлмасди. Шунда она кўзлари тутундан ачишиб, учоққа бошқатдан ўт ёқар, қайта овқат пиширмоққа чоғланарди. Бу учоқ билан уй оралиғидаги масофа қанча экан-а... Она бу масофани кунда неча бор босиб ўтганикин? Умуман буни ҳисоблаб булармикин!

...Давра қизигандан қизийди. Тўйхона шовқини ичра созанда куйлаётган қўшиқ сўзлари қулоқларга энди аранг чалинади,

Онани иззат қилинг,
Кўзлари нам бўлмасин...

Сиз оналарнинг юрагига ҳеч қулоқ тутганмисиз? Агар қулоқ тутсангиз, фақат «болам» деган сасни эшитасиз. Бу дунёда оналар фарзанд доғидан ўзга ҳамма қийноқни енга оладилар.

Қадимдан қолган бир гап бор: «Агар киши ўз онасини кифтида кўтариб Маккага пиёда олиб бориб келса ҳам, унинг бешик устида ўтказган уйқусиз кечасининг ўрнини босолмайди!»

Оналаримизнинг бизга қилган яхшиликларининг мингдан бирини унинг ўзига қайтара олдикми, биз? Иззатини кўзларимиз устида тутдикми? Муҳими, унинг тириклик чоғида яхши сўзимизни айта олдикми?

Ҳамма гап шунда...

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

БИЗГА «КЕЙС»ЛАР КЎП КЕРАК

ОНАНИ ИЗЗАТ ҚИЛИНГ...

ТОЗАЛАШ ИНШООТИ ТАЙЁР!

Қоровулбозорда бунёд этилаётган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши қизғин паллага кирди! Эрта-индин ишга туширилиши мўлжалланган корхонанинг биринчи навбати билан боғлиқ бўлган ҳамда муҳим аҳамият касб этадиган объектлар бирин-кетин қуриб битказилмоқда.

Заводни тозалаш иншоотисиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Йигирма гектар майдонни эгаллаган бу иншоотни Ғиждувондаги 5-кўчма механизациялашган жамланма қурувчилари қуриб битказдилар.

Шуни таъкидлаш керакки, бу иншоот 28 та объектдан иборат. Бир неча сув ҳавзаларига эга. Завод чиқиндиларини тозалаш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминловчи бу иншоотни қуришга 1991 йил нархлари билан 8,5 миллион сўм маблағ сарфланди.

Даврон БАҲРОНОВ.

• Хатлар • Хатлар • Хатлар

ПОЙТАХТДА ГАЗСИЗ ЯШАБ БЎЛАДИМИ?

Ҳурматли таҳририят!

Биз Шайхонтоҳур тумани Жарариқ мавзесида қурилган янги 39-уйга кўчиб келганимизда ниятимизга етдик, деб ниҳоятда хурсанд бўлган эдик. Афсуски, хурсандчилигимиз узоққа чўзилмади. Боиси, кўчиб келганимизга 10 ойдан ошган бўлса-да, ҳалигача хонадонларга табиий газ улаб берилмаган. Лифт умуман ишламайди. Қорли-қировли кунларда ҳам иситиш тармоқларининг вақтида тузатилмаганлиги боис совуқ уйларда ўтирдик. Биз катталар-ку майли-я, фарзандларимизга қийин бўляпти-да.

Очиғи, бу масалада юқори ташкилотларга қатнайвериб чарчадик. Улар қоп-қоп ваъда беришдан нарига ўтишмаяпти. Рўзадан аввал газни ёқамиз, деб ваъда беришганди. Мана баҳор ҳам келди, лекин газдан эса дарак йўқ. Тўғри, баъзи хонадонларга эгалари ҳали кўчиб келишгани йўқ. Уларнинг бошқа уй-жойи бордир-ки, кўчиб келишмаётгандир. Қачон янги қўшниларимиз ўз уйларига келишаркин, дея вақтни бекорга ўтказаверамизми? Бундан ташқари электр энергияси масаласи ҳам бизни қийнаб қўйди. Чунки, пойтахтнинг чеккасида жойлашган Жарариқ мавзесидаги мазкур янги уйимизда электр чироқлари бир кун ёнса, икки кун ёнмайдиган бўлиб қолган. Мутасадди ташкилотлар қачон биз томонларга қиё боқиб, муаммоларимизни ҳал қилиб беришаркин?

Ф. СОДИҚОВА,
Ф. ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Р. АКРАМОВ,
Ш. НУРИЕВА ва яна 12 имзо.
Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани Жарариқ мавзеси, 39-уйда истиқомат қилувчилар.

ЎЗГАГА ҲАВАС ҚУРСИН

Ғузордан йўлга отланиб енгил машинамнинг бакларини бензинга тўлдириб, ғамлаб олдим. Аксига олиб, Тошкентга борган кунларимиз ҳаво совиб кетди. Эрталаб шошиб машинани ҳарчанд ўт олдирмай, қани жойидан жилса. «Эҳ, аттанг, ахир бензин «музлаб», «қуюлиб» қолибди-ку?!» Ўзим ёнилғи қуйиш шаҳобчасида ишлайман. Эрондан келтирилган бензин бизнинг иқлимга унчалик мос эмаслигини билардим. Барибир «хорижники-хорижникида!» деган фикрдан воз кечолмагандим. Мана, оқибати, 3-4 соат, бензин «эригунча» асабийлашишларни айтмайсиз.

Умуман, харид қилаётган маҳсулотимизнинг кафолати ҳақида жиддийроқ ўйлашга тўғри келади. Балки улар ҳам бензиндек панд берар. Очиғи, ўзимизда етиштириладиган борлиқ табиат инъомига дунё қизиқади. Фақат уни хориждек бежирим қадоқлаш, кўз-кўз қилишда бироз орқадамиз, шекилли. Ўзганикига кўз тиккандан, ўзимизникини яхши йўлга қўйсаккина бундай панд беришлар барҳам топарди.

Тўлқин НОРСАИДОВ,
Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани.

ХАРИДОР «ТИРИК» РЕКЛАМА ЭМАСМИ?

Узоқ йиллардан буён маиший хизмат кўрсатиш тизимида ишлайман. Тадбиркор сифатида бугунги бозоримизнинг аҳволидан баъзан кунглим тўлмайди.

Мана, реклама маданиятини олайлик. Ҳар куни телеэкран орқали кўплаб чет эл маҳсулотларини реклама қилишади. Кечки овқатга дастурхон атрофига жамланганимизда шарқона тарбиямизга зид «оби», «холливуд» каби беҳайё рекламаларни кўрсата бошлайди. Даврада ўғил-қизлар, келину, ёш неварларим олдида аёл сифатида хижолат чекаман. Балки керакдир бу маҳсулотлар ҳам. Лекин бугунги иқтисодий фойда эртанги маънавиятимизга болта ураётгани ҳақида ўйлаб кўриш пайти етди чамамда.

Хорижий рекламалар хусусида фикр юрита туриб, чет эл сафарида гувоҳи бўлган воқеани эсладим. Дуконга кирган заҳотиёқ сотувчи иқболингизга пешвоз чиқади, ширин калом билан (гарчи тилига тушунмасангиз ҳам ҳис этасиз илтифотини!) кутиб олади. «Яна келиб туринг» дея арзимаган бўлса-да нимадир ҳадя этади. Агар маҳсулотларидан 4-5 талаб олсангиз биттасини совға сифатида қўшиб беради. Бу хайр-эҳсон эмас. Бу бориб турган шарқона тижорат рекламаси. Кунглингиз тўлиб чиқасиз, дарҳол шу дуконга харидор йўллайсиз-да. Харидор тирик реклама-ку?!

Баъзи шундай беҳаё реклама ўрнига хорижнинг шундай савдо маданиятини ўрганса бўлмасмикин?!

Зеро, бозорларимизда «салафан халтача 3 сум!» деб турадиган сотувчилар шундай хизмат маданиятини ўрганишса харидорнинг боши осмонга етарди.

Лутфия ТЎРАХОНОВА,
Тошкент вилояти, Қибрай тумани.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«МИЛЛИЙ КОНВЕРТИМИЗ БЎЛАДИМИ?»

Газетанинг 1997 йил 23 январь сонида чоп этилган шу сарлавҳали танқидий мақолага Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигидан жавоб хати олинди:

«Миллий конвертимиз бўладими?» сарлавҳали мақола «Ўзбекистон почтаси» концерни раҳбарияти томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Мақолада танқид қилинган почта алоқасида ишлатиладиган барча муҳрлар 1996 йил давомида тайёрланган. Эндиликда шуни таъкидлаймизки, 1997 йил 1 мартдан бошлаб республика бўйича тўлиқ лотин тилида янги муҳрлар муомалага киритилади.

Ҳозир конверт тайёрлаш бўйича тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Концерн шу йилнинг биринчи ярим йиллигида янги почта конвертларини муомалага киритиш чораларини кўрмоқда.

Вазир муовини М. МАҲМУДОВ.

«Хатлар, хатлар, хатлар» материалларини Саида ЙЎЛДОШЕВА саралади.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

Стефан ЦВЕЙГ

КЎР КЎЗНИНГ ОЧИЛИШИ

Кўриш туйғуси илк табиий ибтидоий босқичга қўйғани учун қизим дунёни қандай кўраётган бўлса, нарсалар чанқоқ нигоҳларига қандоқ кўринаётган бўлса, ўшандайлигича қабул қилар, кўнгли ва руҳиятидан кечирар, ҳиссиётига сайёр соялар, ёлғон ва рўё аралашмас эди. Одамлар юзидаги белги чизиқ ва хатларни қойилмақом таҳлил этар, кишиларнинг табиати хусусида манзур хулосалар чиқарарди. Кўзгуни кўриб, ҳайрати беадоғ бўлди. Силлиқ ойина қай тариқа нарсаларнинг аксини тутиб, ўзида жамланишини ва яна ўзларининг кўзларига қайтариб кўрсатишини ҳеч ақлига сиғдиролмасди. Уни шоҳона безатилган хонага олиб киришди, бир ён баланд ойина девор эди. Мария кўзгу қаршисида туриб олиб, ҳайратомуз хатти-ҳаракатлар қилар, тўрт мучасини алоҳида-алоҳида қўш-қўш ва бирваракайига ишга қўшар, хусусан кўзгуга яқинлашганда акснинг ҳам олдга, чекинганда акснинг ортга силжиши унинг зилол кулгусига сазовор бўларди. Кўзларига ташланиб турган маълум масофадаги барча буюмлар назарида кичкинадек, ашёлар Мария сари юрган сайин ўсар, яқинлашган сари катталашаётгандек туюлар эди.

Қовурилган нон бўлагини кўзларини юммасдан даҳанига келтираверакан, бир бурда нон кўзларига тоғдай улкан ва оғзига сиғмайдигандек кўринарди. Ҳовуз ёнига бошлаб келишганда у, шўрва тўла бу ликоп қанчалар ка-ат-та экан-а, деди. Назарида, хиёбондаги дарахтлар у билан ёнма-ён юраётгандек, ортга қайтаётганида эса уй пешвоз келаётгандек эди. Ёруғ тушиб турган деразалар, айниқса, уни дилхуш қилди. Эртасига кундузи уни боққа олиб чиқдик, ўзи шуни хоҳлади. У ашёларни қизиқсиниб, бир-бир, аммо оқшомгидан сустроқ ҳаяжон билан эътибордан ўтказди. Уй ёнидан оқиб ўтадиган Дунай дарёсини узун ва кенг кўча деди. Дарёнинг кўринган турган боши ва охирини тўғри белгилади. Нариги соҳилда — чамаси минг қадамлар йироқдаги дарахтзорга, ўз номи билан айтганда Пратарауга, унинг хаёлида, қўл чўзиб, бармоқларни теккизиш мумкин эди. Кундуз эди, инчунин у боғда узоқ вақт юролмасди. Унинг ўзи кўзларини боғлаб қўйишларини сўради, чунки кучсиз кўз қуввати ўткир ёруғликка дош беролмай боши айланарди. Кўзларини қайта боғлаб қўйишганида кузатувчисиз бир қадам ҳам босолмай қолди. Кўзи очилмасдан бурун ўзи ўрганган хонани беш қўлдай ёддан билар эди. Кўриш сезгисига кўникмагани учун чолғу рўпарасига ўтирганида ўзини, бутун диққатини бир марказга жамлашига тўғри келар, илгари эса бутун-бутун, узун-узун куйларни бемалол, ортиқча ўринишсиз, ҳатто ёнидагилар билан эмин-эркин суҳбатлашиб-да чалаверарди. Агарчи ҳозир кўзлари очиқ эса-да, муъжаз мусиқаларни-да эплаб чалолмасди. Куй авжида бармоқларининг чолғу созлари узра нечук кўтарилишлари, тушишларига кўзи, хаёли кетиб, кўпинча керакли пардани тополмай қоларди.

Тиниқ, самимий, том маънода нодир бу хотираларнинг ҳақиқатлигига шубҳа уйғондими сизда? Бу ғаройиб ҳодисотнинг гувоҳи, иштирокчилари бўлмиш бир қанча муҳтарам зотларнинг ахмоғини чиқариб, агар ёлғон бўлса, ушбу эсдаликларни матбуотда чоп этишга виждон йўл қўярмиди. Боз устига бир кўча нарида умргузаронлик қилаётган маълума ва машҳура мутриба ўзи ҳақидаги ўйдирмаларнинг эл орасига ёйилишига бефарқ бўлармиди? Бу оламшумул воқеа муносабати билан кўтарилган шов-шув гап-сўзларга жамиятда салмоқдор мавқега эга бўлган докторлар ўюшмаси ҳеч бир хайрихоҳликсиз аралашди. Бу сафар Месмер докторларнинг бевосита касбий соҳасига дадил кириб борган эди. Парадиз қизни неча йиллар мобайнида ҳеч бир натижасиз «даволаган» кўз дўхтири ҳам, профессор Барг ҳам ўз «кўча»ларига таклифсиз ташриф буюрган шифокорнинг оёғидан чалишга уриндилар. Месмер Парадиз қизга ҳали кўрларга бўладиган муносабатни давом эттириш лозимлигини уқтиради. Чунки у ҳали кўзига кўринаётган нарсаларнинг номларини билмас ёки чалкаштирарди. Кўп йиллик кўр, нарсаларни энди-энди кўриб англаётган одамнинг бундай саҳфи, шубҳасиз, руҳан ва маънан тушунарли ва ўзини оқловчидир. Лекин жамият расмий муҳитнинг қудрати, аёнки, кўп нарсаларга қодир. Обрўли ва нуфузли докторларнинг қинғир аралашуви, бу аралашувнинг таъсири ўлароқ шифо кўчасига тушиб олган мижоз — Мария Терезияни қиролича дарғоҳига шахсан олиб киришдек Месмер кўнглидаги мўътабар ниятларнинг қанотлари қирқилди. Аччиғи чиққан ҳамкасблари Месмернинг пайини қирқишга, даволаш усулларини чиппакка, йўққа чиқаришга зўр бериб уринардилар. Бундай қилишга уларнинг ҳақлари, маънавий ҳуқуқлари бормиди, деб сўроқ-ла хитоб қиламиз-у, аммо инсоният тарихига бир қур назар ташланса, ҳамма замон, ҳамма давронларда ҳам шундай бўлган. Ё раб, ўз-ўзини ишонтириш, руҳий таъсир услубияти ҳар қанча ёмон бўлган тақдирда ҳам Парадиз қизнинг ўлиб ёки шол бўлиб қолган кўз асабларини янада кўпроқ ўлдириб ёки янада шолроқ қилиб қўйиши мумкин эди-ку. Ахир, ўлган нарсани яна бир карра ўлдириб бўларканми?! Зўр бўлмасангиз, одамлар сизга, сизнинг кучингизга ишонишмаса, чўнтагида шаҳодатномаси турган докторнинг ҳузуридан муолажаларнинг қоқ ярмида мижозни юлиб олиб кетиб бўпсиз. Парадиз қиз ўз халоскорининг этагини маҳкам ушлаган экан Месмернинг мухолифлари бошқа йўлни, айланма йўлни танладилар. Зеро, айланма йўлда ёғийнинг орқасидан, курагининг тагидан ногаҳоний зарб бериш имкони бўлади. Мухолифлар Марияни Месмер қўлидан тортиб олиш чорасини қидирадилар. Улар кекса Парадизга — қизнинг отасига, мабодо қизининг кўзлари очилиб қолса икки юз дукатлик нафақадан маҳрум бўлишни, қори қизнинг мусиқалари оддий куйчи қизчанинг тароналарига нисбатан юксакроқ шуҳрат ва шараф осмонида парвоз этишини қайта-қайта уқтирадилар. Мазкур хулоса — молиявий хавф оиладагиларни чўчитиб юборди. Месмерга қаттиқ эътиқод қўйган ота уйга бостириб кириб, бош узра яланғоч қилични хатарли ўйнатиб, қизини дарҳол қайтариб беришни талаб қилди. Ажабланарлиси, ота табибнинг эмас, ўз ғунча қизининг қаршилигига дуч келади. Ойга боғланган юлдуздай ўз халоскорига ўрганиб қолган Парадиз қиз ота-онаси ҳузурига қайтмоқчи эмаслигини, уни бу ерда нафақат тиббий мақсадлар ва балки муҳаббат ришталари ҳам тутиб турганини ишонч ила айта олади. Бу ҳолдан хабар топган она жаҳл отига миниб, бўйинсунмас, бегона бир кимсани ота-онага аллақачон алмаштириб юборган ўз қизи устига бостириб бориб, қизни — ожизани шундоқ калтаклайди, шундоқ савалайдики, бечора навниҳол шайтонлаб, қилич кесган навдадай ердан узилиб тушади. Даҳшатлар, ваҳшатлар, қийноқлар, қистовлар ўжар ва собит Парадиз қизнинг шаҳдини синдиролмади, у бош узра соябонини, эҳтимол, ҳатто маҳбубини ташлаб кетмади,сеҳрли шифохонада қолди. Месмер мушкул, аммо шавқли ғалабани қўлга киритди. Илло, зўравон бўронлар ўчиролмаган гулхан дилу дунёи дунни чароғон айлаб ёнмоғига ишончимиз айни комилдир. Қақшаган асабларга осуда ҳаётни қайтариш учун шифони аввалдан бошлашга тўғри келди. Бироқ бунинг учун Месмерга имкон ҳам, вақт ҳам бермадилар. Докторлар куллияси энг улкан қуролларни ўқлади: сарой, қиролича, дин, боз устига, мамлакатда энг қудратли ва энг нуфузли саналмиш идорани — ахлоқ-одаб комиссиясини Месмерга қарши жангга шайлади. Австрия тиббий муассасаларининг бошлиғи сифатида профессор Штерк малика кўрсатмасига биноан «бу ёлғонларга якун нуқтасини қўйиш» ҳақида фармон беради. Шу тариқа, давлат сеҳрли қўллардан тиббий ҳукуматни олиб қўяди. Месмер даволаш ишларини тўхтатади. Ҳали бутунлай тузалиб улгурмаган Марияни, қиз Худонинг зорини қилишига қарамай, ўз ота-онасига қайтаради».

Ҳужжатларнинг етишмаслиги важидан ҳам мароқли, ҳам қийноқли ушбу воқеа қандай ниҳоя топганини аниқлаб бўлмади.

Рус тилидан Мадат ТЎРА ўғли таржимаси.

(Охири. Боши №24 сонда).

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

ДУНЁВИЙ ЭЪТИРОФ

ЎЗБЕКИСТОН БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БЎЛГАНИГА 5 ЙИЛ ТЎЛДИ

1992 йилнинг 2 мартида БМТ Бош Ассамблеясининг 46-сессиясида ўз мустақиллигини қўлга киритганига эндигина ярим йил бўлган Ўзбекистон Республикаси нуфузли халқаро ташкилот аъзолигига қабул қилинди. БМТнинг Нью-Йоркда жойлашган Бош қароргоҳи минбаридан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлаб, жаҳоннинг етакчи сиёсатчилари ва давлат раҳбарлари диққат-эътиборини биринчи марта Ўзбекистонга, ўзбек халқига қарата олди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги бинолари мажмуи олдида Ўзбекистон байроғи ҳилпирай бошлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — нима?

Биласиз, БМТни ташкил этиш ҳақидаги режалар анча илгари пайдо бўлса-да, Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунё миқёсида ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши, айрим катта давлатларнинг катта ҳарбий қудратга эга бўлиб, баъзи бир давлатларнинг уларга ҳар тарафлама тобе бўла бориши, капитализм ва социализм ўртасида сиёсий-ҳарбий курашнинг кескинлашуви, етакчи давлатларда империалистик кайфиятнинг кучайиши, мустамлака халқлар ва ўлкаларнинг озодлик учун интилишлари авж олаётгани, қисқа қилиб айтганда дунё мавжуд сиёсий-ҳарбий мувозанатдан бошқа шундай мувозанатга ўтаётган паллада, Ер юзининг жами мусбат ва манфий кучларини мувофиқлаштириш эҳтиёжи, дунёнинг хилма-хил, ҳатто бир-бирига қарама-қарши манфаатларини уйғунлаштириш эҳтиёжи БМТ мақомидаги халқаро ташкилот барпо этишини тақозо қилди. Бундай ташкилотнинг асосий мақсади ҳар хил зиддиятларни қурол қучи, ҳарбий йўллар билан эмас (дунёда ҳарбий жиҳатдан бир-биридан қудратли давлатлар кўп), сиёсий воситалар, сиёсий муносабатлар, ўзаро келишувлар билан ҳал этишдир. Айниқса, асримиз иккинчи ярмидан бошлаб халқлар миллий ўзлигини англашининг тезлашуви ва чуқурлашуви, давлатлар чегаралари дахлсизлиги учун кураш тенденциялари кучайди. Синалган ва синалмаган сиёсий ҳолатлар вазиятида БМТ бир давлат манфаатларини поймол этиш ҳисобига бошқа бир давлат манфаатларини ҳимоя қилиш эмас, имкон қадар дахлсиз, холис бўлишни, одил йўл тутишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Мабодо айрим даврларда шу холислик бузилган бўлса, у ҳам айрим давлатлар гуруҳининг таъсири остида шундай бўлгандир. Лекин бир жиҳатни эътироф этиш зарурки, БМТ ташкил бўлганиданоқ бетараф бўлиш йўлини тутди. Давр шу йўлнинг тўғрилигини исботлаяпти. БМТга давлатлар катта-кичиклиги, ҳарбий қудратига эмас, сиёсий мустақиллигига кўра қабул қилинади. Ушбу нуфузли халқаро ташкилот умумий йўналишидаги у ёки бу даражадаги ўзгаришу «таҳрир»лар кўп жиҳатдан унинг етакчиси ким бўлишига ҳам боғлиқ. Шу жиҳатдан БМТнинг собиқ раҳнамоси Бутрос Ғолий ташкилотнинг иш йўналишига содиқ қолди. Унинг ўрнига келган ва шу йилнинг бошидан иш бошлаган Кофи Аннан ҳам ўз ўтмишдошларининг йўли ва ғояларини давом эттирмоқда. Чунки у шу ташкилот тизимларидаги меҳнатда чиниққан, шу «қозонда пишган», ташкилотнинг кучли ва ожиз томонларини яхши билади. Шундан бўлса керак, у БМТ тизимларида бир қадар ислоҳотлар ўтказишни, умумий ташкилий масалаларни қайта кўриб чиқишни лозим топмоқда. Зеро, дунё ва давр ўзгаришлари ҳар бир нарсага таҳрир киритишни тақозо этади.

БМТга аъзо мамлакатлар бадал тўлайдилар. Бу маблағ ҳеч қандай шартсиз, қайтариб олиш умидисиз берилади. Бу пуллар лозим кўрилган мамлакатларни, халқларни ривожлантиришга, минтақавий жанжалларнинг олдини олиш, миллий низоларга йўл бермаслик, қуролли можаролар бўлаётган жойларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш сингари БМТ йўналишидаги вазифаларга йўналтирилади, БМТнинг иқтисодий соҳадаги вазифалари асосини аҳолининг ўсиши жараёнига мос равишда миллий даромад миқдорини ҳам ўстиришга эришиш ташкил этади. БМТнинг табиати мутлақо холис бўлиб, ҳар бир давлат ичида миллий тараққиётни таъминлашга, миллий ташкилотлар ва миллий мутахассисларни ривожлантиришга асосий эътиборни қаратади.

Ўзбекистон БМТга аъзо бўлиб нимага эришди?

Аввало, дунёвий эътирофга сазовор бўлди! Дунёнинг овози ўзбекнинг овози янгроғида янада қудратлироқ янгради. Қолаверса, дунёнинг биринчи даражали обрўли ташкилотига ҳар қандай давлат ҳам аъзо бўлиб кира олмайди. Ўз келажагига қатъий ишонган, халқаро миқёсда ўз сўзи, ўрни ва овозига, моддий, иқтисодий, табиий бойлик ва заҳираларга эга, энг муҳими, сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги тан олинган давлатлар аъзо бўлиши мумкин. Сир эмас, мамлакатимиз жуғрофий, сиёсий, табиий бойликлар нуқтаи назаридан ўта муҳим минтақада, Янги Ғарб, Янги Шарқ ва Янги уммон ортининг манфаатлари чорраҳасида жойлашган. Ижобий маънодаги бу манфаатларни Янги Буюк ипак йўли боғлайди. Қадимда ҳам, бугун ҳам буюк йўлларнинг марказида бизнинг ҳудудимиз турган. Шу маънода, андак ташбеҳ билан, Ўзбекистонимиз дунёнинг марказида жойлашган, дейиш мумкиндир, эҳтимол. Шундай потенциал қудратга эга ўлкамиз БМТга тенг аъзо бўлиб кирганига ҳайратланмаса ҳам бўлади.

Ўтган беш йил мобайнида мамлакатимиз БМТнинг барча йўналишидаги фаолиятлари фаол аъзосига айланди. Бошқа қатор халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Кўплаб Конвенциялар ишида қатнашмоқда. БМТ билан Ўзбекистон ҳукуматининг ҳамкорлиги мустаҳкам асосга эга бўлиб, икки томоннинг ҳам бир-бирини тушуниш йўли изчил давом эттирилмоқда. Энг аҳамиятлиси, одамларимиз, бир пайтлар жуда узоқда туюлган БМТнинг бугунги кунда яқиндаги меҳнати самараларини чуқур ҳис этмоқдалар. Чунки БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўзбек халқи ва Ўзбекистон манфаатлари учун хизмат қилмоқда. У ёки бу давлатнинг, у ёки бу йўлдан бориши учун аввало ўз йўлини ўзи белгилаб олган бўлиши, қолаверса, уни қўллаб-қувватловчилар керак. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўзининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси симосида мамлакатимиз мустақиллиги йўлини қўллаб-қувватлаб турибди.

Салим АШУРОВ.

III

ПРАГА КЎЧАЛАРИ.

ҚУРОЛЛАР ЕНГИЛЛАШДИ, ЖАНГЧИЛАР ЁШАРДИ

Бундан бир неча йиллар муқаддам ўт очувчи қуроллар оғир ва анча қўпол эди. Ҳозир эса, бунинг тамоман акси. Масалан, Россиянинг «АК-47» автомати шунчалик қулай қилиб ишланганки, ундан болалар ҳам бемалол фойдаланиши мумкин.

Халқаро «Болаларни авайланг» ташкилоти эълон қилган маълумотларга кўра, ҳозир ер шарининг 33 та «оловли нуқта»сида 250 мингдан ортиқ 18 ёшга етмаган «аскар» жанг қилмоқда. Гватемалада 11-12 яшар болалар давлат армияси ва қўзғолончилар сафида хизмат қилар экан. Камбоджадаги «Қизил кхмерлар»нинг автоматчиларидан бири эса энг ёш жангчи ҳисобланади. У энди 5 ёшга тўлган. Бундан ташқари, «Қизил кхмерлар» орасида ҳали вояга етмаган қизлар ҳам бор. Шу боис, «Болаларни авайланг» халқаро ташкилоти БМТга аъзо бўлган барча давлатларни 17 ёшга етмаганларни ҳарбий хизматга жалб этмасликка даъват этмоқда.

ПОЛВОН КУЁВ

Бангладеш мамлакатининг дилбар қизларидан бири Сахера Катун бир неча тунни уйқусиз ўтказди. Совчилар юборган икки йигитдан қай бирини танлаш муаммо бўлган эди. Унинг ўзи бир тўхтамга келолмади: «Мен ахир иккаласини севаман, нима қилишимни билмайман».

Куёвларнинг тоқати тоқ бўлгандан кейин, уларнинг ўзлари ўз тақдирини синаб кўришга бел боғлашди. Сахеранинг розилигини олган ва келиннинг ота-онасини ҳамда қишлоқ барча аҳолисини гувоҳ бўлишига даъват этган бўлғуси куёвлар яккама-якка кураш тушдилар. 26 ёшли Муҳаммад Рафиқ ўзидан ёш рақибини мағлуб этиб ғалабага эришди. Беллашувни кузатган барча томошабинлар кураш натижасини адолатли, деб тан олишди. Ҳиндистоннинг «Эйшн эйдж» газетаси яқин орада тўй бўлади, деб хабар берди.

ЙЎҚОЛГАН БОШ СУЯК

Испания. Шундай тоифа одамлар бор: ҳамма ҳар хил нарсадан коллекция тўплайди. Коллекция тўплаш кишини ажаблантирмайди. Лекин инсон бош суягини қуритишга кизикканларчи? Эшитганмисиз? Олимлар дерсиз. Йўқ, оддийгина коллекциячилар ҳам бўлади — бош суякчилар. Коимбралик бадавлат хонадоннинг бундай коллекция тўплай бошлаганига бир асрдан ошганди. Ғалати коллекциячи-ю, экспонатлари, 100 йиллик тарихи ҳакида шу пайтгача хеч ким хеч нарса билмасди.

Агар экспонатлардан бири сирли равишда йўқолмаганда балки яна 100 йил бирор жонзот хабар топмасмиди? Хонадон сохиби эълон беришга мажбур бўлди. Эълонда унинг шахсий коллекциясидан йўқолган бош суяги хакидаги хар кандай маълумотга 22000 доллар тўлашга тайёрлиги маълум килинганди. Бирдан шов-шув кўтарилди. Бойвуччанинг ғалати экспонатлари тилларда достон, миш-мишларга сабаб бўлди. «Сирли коллекция»дан йўқолган экспонат хакида эса хеч ким лом-мим демасди.

— Турган гап бу коллекциямиз конуншунослар билан каттиқ тўқнашувга олиб келади. Барибир йўқолган — «куритилган бош суяк»ни топилишидан умидвормиз, — дейди Хоссе Корилла. — Хар канча бўлсаям авлоддан авлодимизга ўтиб келаётган бу ноёб коллекциямизни саклаб колиш учун тиш-тирноғимиз билан курашамиз. Баъзи «экспонатлар» хонадонимизда 90 йилдан буён сакланяпти.

Балки коллекциячи хакдир. Бунинг хам ўз сабаби бордир. Нима бўлгандаям дунёда турлича одамлар борлиги, феъл-атворларига яраша минг турли коллекциялари бўлиши хам табиийдир. Хозирча бу фанга хам сир.

СИРЛИ КАШФИЁТ

Японияннинг «Хонда» компанияси мутахассислари инсон шакли-шамойилига эга робот яратишди. Унинг икки қўли ва икки оёғи бор. Бўйи 180 сантиметр, вазни эса 210 килограмм келади. Лекин ушбу янги кашфиётдан қандай мақсадларда фойдаланиш ҳозирча сир тутилмоқда. Чунки, робот арава ёки автомобилни суриб жойидан қўзғатиши, бемалол юқорига ва пастга қараб ҳаракат қилиши, кутилмаган зарба берилганда, мувозанатини сақлаб қолиши мумкин. Робот махсус мурувват ёрдамида бошқарилади. Агар унинг хотирасига бажарилиши лозим бўлган вазифалар дастури ёзиб қўйилса, то электр қуввати тугагунча ишни бажараверади.

УЛАМА ДУМЛИ СИГИР

Англия. Йоркширдаги анъанавий сигирлар кўргазмаси ҳақида эшитгансиз. Навбатдаги катта кўргазмада эса «кўрк» тўкиб турган сигирни ғолиблик супасидан ҳайдаб туширишди. Маълум бўлишича, «энг кўркам сигир»нинг думи бегона — улама экан.

Фермер бахтсиз ҳодиса туфайли думидан айрилган «машҳур» сигирини кўрганда хуноби фалакка чиқди. Куйинишдан наф йўқ. Йўлини топди. Ўлган сигирининг думини шартта қирқдида, улади-қўйди. Кўрик бошлангандан то якунигача ҳаммаси силлиққина кетаётувди. Афсус, кўргазманинг сўнгги тақдирлаш палласида судья сигирнинг улама думи қимирламаётганини сезиб қолди. Сигирни кўргазма тахтидан ҳайдашди, фермерни эса қаллобликда айблашди.

IV

НИҲОЯТ, ТЎРГА ИЛИНДИ

Киномухлислар орасида қанчадан-қанча айғоқчиларга чап бериб, ҳамиша кўзлаган мақсадига эришадиган Жеймс Бонд отлиқ жосусни билмайдиган киши топилмаса керак. Яқин-яқингача аёллар учун «Жеймс Бондни илинтириш» амалга ошмайдиган ишлар сирасига кирар эди. Бироқ, янги бир фильмда Жемс Бонд ролини ўйнаган Тимоти Далтонга келганда ушбу анъанага якун ясалди. У Оксана исмли рус аёлнинг тузоғига илинди.

Актёрлик ниқоби остида Голливудда яшаб юрган Оксананинг айтишича, у Т. Далтон иштирокидаги бир неча фильмларда кичик ролларни ўйнаб юриб, охири Тимотининг «бошини айлантиришга муваффақ бўлган». Ҳозир Оксана ҳомиладор...

Киношунослар «Жеймс Бонднинг айнан руслар тўрига илиниши воқеага мантиқий якун ясайди, бошқача бўлиши мумкин эмас», демоқдалар. Тимотининг эса, «Бу ҳодиса кинонинг ҳаётдан анча йироқлигини исботлайди», дейишдан ўзга чораси қолмаган.

ЁЛЛАНМА ҚОТИЛЛИК

«Труд» газетасининг ёзишича Озарбойжон Миллатлар Мажлиси депутати, Озарбойжон Фанлар академиясининг вице-президенти, собиқ Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 74 ёшли Зиё Бунёдовни ўз уйи йўлагида отиб ўлдиришди.

Рафиқасининг айтишича, у кечки пайт ўша машъум воқеа содир бўлишидан аввалроқ парламентдан уйга қайтаётгани ҳақида қўнғироқ қилади. Сал ўтмай соат 18 дан 10 дақиқа ўтганда эса йўлакда эрининг ваҳимали овозини эшитди: «Кимсиз?» Ва шу заҳотиёқ ўқ овози гумбирлади. Шовқин-суронга йўлакка югуриб чиққан хотини ва қўшнилар иккинчи ва биринчи қават оралиғидаги зинапояда чўзилиб ётган Зиё Бунёдовни кўриб, ваҳимага тушиб қолишди. Даҳшатли манзара. У қип-қизил қонига беланиб ётарди. Лекин ҳали жони узилмаганди, ҳатто у бир-икки оғиз нимадир деб гапиришга ҳам уринди. Афсус, ажал сиртмоғи сиқиб келганда базур айтган сўзларини ҳеч ким-на хотини, на қўшнилар англай олишмади. Уни дарҳол шифохонага олиб кетишди. Афсус, у йўлдаёқ жон берди.

Шифокорларнинг хулосасига қараганда, марҳумни «Макаров» пистолетидан отишганди. Қотиллар унинг бўйнига икки карра ўқ узган, қорнига ва елкасига 4 марта пичоқ билан тан жароҳати етказган эди.

Академикни ҳур фикрли сиёсатчи сифатида бутун дунёда қадрлашарди. У ҳамиша ўзини жанговар ҳис этарди. Сўзсиз бу фазилати билан у юксак қадр-қимматга сазовор бўлди. Афсус айнан шу фазилати ўз бошига етди. Очиқ ва пинҳоний мухолифлар орттиришига сабаб бўлди. Бугунги қонли қотиллик сабабчилари жангчи олимнинг хунига қолганлар ҳам шулардан бири эмасмикан?!

Бу саволга ҳатто жиноий иш қидирувчилар ҳам аниқ бир жавоб тополганича йўқ. Фақат шуниси кундай равшан: ёлланма қотиллик! Жамоатчиликнинг қатъий фикри ҳам шундай. Зотан, бу фикрни инкор этиш қийин.

Озарбойжон давлат бошлиғи марҳумни дафн этиш маросимида буни очиқ-ойдин айтиб ўтди. Зиё Бунёдовнинг ўлмас номи мамлакат тарихида, ХХ аср тарихида муҳрланиб қолади. З. Бунёдов Ҳайдар Алиев билан узоқ йиллардан буён қадрдон дўст эди. Бу қотиллик Озарбойжоннинг бугунги олиб бораётган изчил тинч сиёсатига қарши ғанимлар уюштирган фитна-исёндир.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органи бошлиғининг маълум қилишича тергов-текшириш ишлари Президент назорати остига олинади. Ишнинг ҳаққоний, адолатли хотима топиши учун бутун куч ва имкониятлар сафарбар қилинган.

Бехабар қолманг

СУТ ИЧИНГ — ҲАММАСИ БЕШ БЎЛАДИ

Аргентина. Ла-Пампалик олимлар узоқ кузатишлардан сўнг шундай хулосага келишди. Сут ичган одамнинг иши юришади! Гоме-Гранде мўъжазгина қишлоқча.

Ла-Пампалик минглаб шаҳарликлар вақт топди дегунча шу қишлоқ — ранчога йўл олишади. Гомеслик сигирларнинг сути минг дардга даво эмиш... Сут ичган одамлар тезда ажабтовур ўзгариб қолишади. Мутахассислар эса «сеҳрли сигирлар» сирини шундай изоҳлашмоқда.

— Ранчога келган одамларнинг организмида бошқаларга нисбатан 30-40 фоиз эндорфин моддасининг кўплиги кузатилди. Эндорфин — инсон танасида фақат хушкайфият пайтидагина хосил бўлади. Сут ичганларда шундай зўр кўтаринки кайфият, — дейди доктор Жуан Руис. — Ахир кўнглингиз тоғдек кўтарилгач, ишингиз ҳам беш бўлади-да!

Гомес ранчосидаги сигирлар қанчалик «сеҳрли»лигини билмадиг-у, лекин сути инсон саломатлигига кони фойдалиги аник.

Хеч иккиланмай ўзимизнинг жайдари сигирларнинг сутини «сеҳрли» бўлмасаям ичаверинг. Ранчога келсак, бизнинг хушхаво кишлоклар хам Гомесдан хечам колишмайди.

Сут ичинг — ишингиз беш бўлса, ажабмас.

Шунақасиям бўлади

БЕБАҲО СКРИПКА

Германия. Гамбурглик қаҳвахона хўжайини 15 йилдан буён деворда осиқлик турган скрипкасининг нархини эшитганда ҳушидан кетаёзди.

— Мижозлардан бири — мусиқашунос профессор бекорга савлат тўкиб турган скрипкам мўмайгина — пул — асори-атиқалигини айтганда, очиғи унчалар ишонқирамагандим, — дейди қаҳвахона хўжайини Хуннар Борман. — Таваккал қилиб кимошди савдосига қўйдим. Савдода скрипканинг баҳосини эшитиб, қулоқларимга ишонгим келмади... 230000 доллар-а?!

ҲАМШИРАНИНГ «ҚИЛИҒИ»

Перу. Лималик тиббий ҳамширани полиция қотилликда айблаяпти. Полициячиларнинг аниқлашича, 52 ёшли Аннета Сэз шифохонадаги 4 нафар мижознинг жонига қасд қилган. Чунки тўртинчи мижоз ҳамширанинг ҳарорат ўлчагичини зўр бериб, томоғига тиқаётганини сезиб қолди.

Мижоз дарҳол бу ҳақда полицияга хабар қилди.



Дунё бугун қиз кўнглидай кулади,
Оғочлар ҳам шитир-шитир гуллади.
Сен гулборим, гулнорим, гуландомим,
Баҳор сенинг билан гўзал бўлади.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат.

РЭКЕТЧИЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Қўқон шаҳар ҳокимлиги қошидаги шаҳарсозлик ва меъморчилик бошқармаси бошлиғи Исроилжон Мамажонов вилоятда кўзга кўринган меъморлардан. У кўп йиллардан буён Фарғона вилояти шаҳар ва қишлоқларида янги кўркам бинолар барпо қилиш, ободонлаштириш соҳасида фидокорона меҳнат қилиб, эл-юрт муҳаббатини қозонган. Оилапарвар, ҳалол, пок бу одамнинг уйига яқинда бир хат келди. Ўғли дарвоза тагидан топиб келган бу конвертни очганда унинг ичидан 12 калибирли ов милтиғининг ўқи чиқди. Шунингдек, катак дафтарнинг бир варағига босма ҳарфлар билан ёзилган хат ҳам бор эди. Унда меъморга дўқ-пўписа қилинган ва охирида 1996 йил 2 сентябрь, соат 18.30 да Қўқон шаҳар 6-мактаб ҳовлисидаги белгиланган жойга 30 минг доллар олиб келиб қўясан. Акс ҳолда... дейилган эди.

И. Мамажонов ҳангу манг бўлиб қолди. Хат бўйича эртасигаёқ у рекэтчилар талаб қилган 30 минг долларни бадкорларга бериши керак! Ҳолбуки бунча пулни у тушида ҳам кўрган эмас. Меъмор ўйланиб қолди. Шунча пулни қарз-қавола қилиб йиққан тақдирда ҳам бу қарзни бир умр ҳам узолмайдику. Бошига тушган ғалвадан хуноб бўлган Исроилжон ўйлай-ўйлай шаҳардаги миллий хавфсизлик хизмати бўлимига кириб келди.

Шуниси қизиқки, худди ўша куни Қўқон шаҳар Чайковский кўчаси 34-уйда яшовчи Ҳасан Мамажонов ҳам муаллифи номаълум бир хат олди. Хатда «Ҳасанжон, сизни ғийбат қилиб, қаматмоқчи бўлиб юрган душманингиз кимлигини билмоқчи бўлсангиз 1996 йил 2 сентябрь куни кеч соат 19.00 да Қўқон шаҳар 6-мактаб ҳовлисидаги ҳожатхонанинг бир кишилик хонасига келинг. Шу ердаги халта ичида душманингиз ҳақида маълумот бўлади» дея ёзилган эди.

Ҳасан ҳайрон бўлиб, хатни қариндоши Баҳодир Хусанбоевга, ўртоқлари Аҳад ва унинг акаси Мухсинларга кўрсатди. Аҳад билан Ҳасан бирбирига қараб олишгач, ёлғиз борма, биз ҳам бирга ўтамиз дейишди.

2 сентябрь. Кеч соат 18.00. Бир гуруҳ йигитлар шаҳардаги «Толзор» маҳалласи чойхонасида учрашишди. Кўп ўтмай бу ерга Тошкентдан Исмоил ҳам етиб келди ва беш киши Абдужаббор Назировнинг «УАЗ-469» маркали машинасига ўтиришиб, 6-ўрта мактаб биноси томон жўнашди. Йигитлар машинадан бирин-кетин тушиб, атрофни қараб чиқишди. Ҳеч ким кузатаётгани йўқ... Бироздан кейин шериклардан бири Ҳасан Мамажонов ҳожатхонага кириб чиқди ва шерикларига имо қилди. Улар кириб доллар солинган халтани олиб очишганда долларлар сохта эканлиги аён бўлди. «Билиб қолишибди» дея жуфтакни ростламоқчи бўлган жиноятчилар миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар бўлими ходимлари томонидан қўлга олиндилар.

Дастлабки тергов ва сўроқлар жараёнида жиноятчилар гўё Ҳасан Мамажонов номига келган хатни рўкач қилиб биз шу хат юзасидан келганмиз дея ходимларни чалғитишга уринишди. Бироқ, жиноят иши бўйича ўтказилган хатшунослик экспертиза жабрланувчи Исроил Мамажоновга ҳамда Ҳасан Мамажоновга хатни айнан бир шахс Исмоил Сотволдиев ёзганлигини аниқлади. Демак улар олдиндан тайёргарлик кўриб, қўлга тушиб қолган тақдирларида терговни чалғитиш учун атайлаб ўз шериклари Ҳасан Мамажоновга ҳам хат ёзишган. Мамажонов эса бу хатни бошқаларга кўрсатиб, олдиндан ўзининг гуноҳсизлигига «далил» тайёрлаган. Бироқ, синчковлик билан ўтказилган тергов натижасида бу жиноий иш тўлиқ фош қилинди. Абдужаббор Назировнинг хонадонида ўтказилган тинтув пайтида эса икки дона милтиқ ўқи ҳам топилди. Қўқон шаҳар суди биносида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида жиноий гуруҳ аъзоларининг айблари тўлиқ бўйинларига қўйилди. Текин бойлик орттириш мақсадида жиноий гуруҳ тузиб, зўрлик, қўрқитиш йўли билан қонунбузарликка кириб кетган жиноий гуруҳ аъзоларидан Исмоил Сотволдиев 16 йил муддатга, Одил Темирбоев 15 йилу 6 ой, Аҳад Темирбоев ва Ҳасан Мамажоновлар 14 йил, Абдужаббор Назиров эса 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этилдилар. Шунингдек, суд жазони қаттиқ тартибли колонияда ўтказиш ва жиноятчиларнинг мол-мулкини давлат фойдасига мусодара этиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ёмон бошини ейди

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 1-mart, shanba № 27 (22.111).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Владимир ЧЕБОТИН
(бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»),
Виктор ЗВЕРЕВ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи А. РЎЗИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0141

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 3

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Хафтанома».
*
8.30 «Санъат гунчалари».
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Инсон қалбига йўл».
9.15 «Марсия». Бадиий фильм. 3-серия (Италия).
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Замин фидойилари». Публицистик кўрсатув.
10.30 «Рикки-Тикки-Тави». Республика кўғирчоқ театрининг спектакли.
11.20 «Одамлар орасидаги бўри боласи». Бадиий фильм.
12.40 «Илм — ўзликни билмакдир».
13.10 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
13.40 «Мен туғилган тупроқ».
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.50 «Фитрат ва сахна санъати».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.30 «Ташаббус». Тадбиркорлар кўрик-танлови.
18.50 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.05 «Маънавият». Фольклор-этнографик ансамблларининг «Зилол» телефестивали.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Дилнавоз садолар».
21.35 Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг I конференцияси олдидан. «Умр лаҳзалари». Телеочерк.
21.45 «Вақт». Публицистик кўрсатув.
22.05 «Бу оқшом...»
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.15 «Дилнавоз садолар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Олтин мерос. «Дугоҳ».
00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 ТВ плюс...
18.40 «Киносаҳёра».
19.00 «Олтин кент».
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 ТВ плюс...
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Спорт қитъаси».
21.30 «Акс».
21.50 «Ишбилармонлар хафтаси».
22.10 Кундалик.
22.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.35 «Кинонигоҳ».
00.10 — 00.20 Кундалик.
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 «Типратикан, кучукча ва Нико исмли бола». Мультфильм.
18.10 Эълонлар.
*
7.30 — 9.00, 18.15 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Қалеба қизлари. Эмили». Телесериал. 7-серия.
22.30 «Сумалак». Телефильм.
*
22.50 — 23.10 Россия давлат телевидениеси.
*
23.10 Эълонлар.
23.15 — 23.20 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш кўрсатуви.
19.15 «Америкага назар».
19.45 «Соловуддин-97». Киноконцерт.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Ўйингоҳ плюс оила».
21.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.55 «Истеъдодлар ва мухлислар».
22.25 Эълонлар.
22.30 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.20 ТВ IV да «Немис тўлқини».
23.45 «Жиллет-спорт».
00.15 — 00.25 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 5

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Меҳримиз сизга». Ғанижон Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Нафосатга бахшида умр».
9.15 ЎзТВ хазинасидан. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фермер». Тележурнал.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Бола бошидан...»
11.30 «Ассалом, япон тили».
*
12.00 «Қурьер». Бадиий фильм.
13.30 Самбо бўйича Ўзбекистон чемпионати.
*
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.20 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар. Ўлмас Умарбеков, Фарҳод Олимов. «Фотима ва Зуҳра». Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 2-қисм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бир хўтикча яшаган экан». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруг оламда Ватан биттадур...».
18.25 «Дилнавоз садолар».
18.35 «Замон билан ҳамнафас».
18.45 «Тасаввур олами». Ўзбекистон халқ расоми Ж. Умарбеков.
19.05 «Маънавият». Фольклор-этнографик ансамблларининг «Зилол» телефестивали.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Назар». Публицистик кўрсатув.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Дилнавоз садолар».
21.40 «Талқин. XX аср».
22.10 «Автоолам».
22.25 «Морена Клара». Телесериал.
23.10 «15 дақиқа спорт ҳақида».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Дойче-Велле» тақдим этади...
19.05 «Зерикмай десангиз».
19.15 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 «Спорт қитъаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кинонигоҳ».
22.30 «Зерикмай десангиз».
22.40 «Спорт қитъаси».
22.55 Кундалик.
23.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.15 — 00.25 Кундалик.
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 «Дарҳон». Телефильм.
18.10 Эълонлар.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.30 «Айчурек».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 Болалар учун мультфильм.
21.15 «02» тўлқинида.
21.30 «Инспектор Фрост». Телесериал.
22.20 «Интер-спорт».
22.30 Эълонлар.
22.35 «Эллада».
23.05 «Каталог».
23.20 «Салом, масленица!».
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 7

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Кекса санъаткорлар куйлайдилар.
8.45 «Юзма-юз».
9.05 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 13 ва 14-қисмлар.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Аёл — олам сарвари». Телеочерк.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.
12.00 «Яшнаб келди гулбаҳор».
12.30 «Халқ ижодиёти».
13.00 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
13.30 «Саҳна ҳаёти». «Наврўз-97» театр санъати фестивалининг якунлари.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.10 «Темир хотин». Бадиий фильм. 2-серия.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сизга аталган кун». Болалар учун концерт.
18.30 Бизнес ҳафта якунлари.
18.45 «Эртага — шанба».
19.05 «Маънавият». Фольклор-этнографик ансамблларининг «Зилол» телефестивали.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мутолаа».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг I конференцияси.
21.30 Тошкент. «Туркистон» саройи. Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш ва санъат усталари ҳамда ёш ижрочилар концерти.
22.50 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 Эълонлар.
23.35 «Ахборот».
24.00 «Ривоят».
00.10 Тунги тароналар.
00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».
II
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Кўзмунчоқ».
9.40 «Жаноби Бинн хангомалари».
10.10 «Жозиба».
10.20 «Олтин кент».
10.35 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
11.00 Видео — «О».
12.40 — 13.10 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 Телевидение ва театр.
19.00 «Аралаш-қуралаш».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мусиқали гулдаста».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.50 «Ханда дўкони».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 «Кинонигоҳ».
00.10 — 00.20 Кундалик.
III
17.55 Янгиликлар.
18.00 «Жунгар тритонлари». Телефильм.
18.15 Эълонлар.
*
7.30 — 9.00, 18.20 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Қалеба қизлари. Эмили». Телесериал. 10-серия.
22.25 «Мусиқа ҳамма учун».
*
22.50 — 23.15 Россия давлат телевидениеси.
*
23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.25 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Байрам табриги.
18.55 «Мультқарусель».
19.10 Байрам табриги.
19.15 «Умид чечаклари».
19.45 «Маънавият ва Ислом».
20.15 «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.05 Байрам табриги.
21.10 Эълонлар.
21.15 «Ноёб асарларни овлаб». Телесериал (Италия).
22.05 «Сирдошим».
22.35 Байрам табриги.
22.40 Эълонлар.
22.45 «Жума куни, ишдан сўнг».
23.25 «Латофат».
23.40 «Бу бўстон аро...»
00.10 — 00.20 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 8

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Содиқ дўстлар». Мультфильм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Тошкент. «Туркистон» саройи. Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
11.00 «Катта танаффус». Байрам сони.
11.40 «Аёл борки, олам мунаввар...» Публицистик кўрсатув.
12.10 «Онажоним — жонажоним». Кичкинтойларнинг байрам дастури.
12.40 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар. Абдулла Қодирий. «Мехробдан чаён». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
15.00 Спортимиз маликалари.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
15.20 «Мен ёшликман».
15.50 «Ватанпарвар».
16.10 «Газалхон — ёшлигим».
16.30 «Сеними, шошмай тур!». Мультфильм.
16.50 «Маънавият» видеоканали.
*
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 «Совға».
18.10 «Ранглар жилоси».
18.20 «Меҳр қолур...»
18.40 «Санъатимиз онахонлари». Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган мусиқий кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Таъзим».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳайрат».
21.20 «Нозик». Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган байрам базми.
22.30 «Азиз сиймолар».
«Тунги ёғду»
Дам олиш дастури:
23.00 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.20 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Дил». Бадиий фильм. 1—2-сериялар (Ҳиндистон).
01.50 «Менинг дилбар маликам». Поль Мориа оркестрининг концерти.
II
9.00 «Бор эканда, йўқ экан...».
9.20 Телевидение ва театр.
9.45 «Аралаш-қуралаш».
10.10 «Мусиқали гулдаста».
10.40 «Ханда дўкони».
11.00 «Кинонигоҳ».
12.40 — 13.10 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Сен бир бахтли аёл бўласан». Клип.
18.05 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Бугуннинг боласи».
18.40 Эълонлар.
18.45 «Айёмингиз муборак!» Табрик.
18.50 «Шараф тожи». Киноконцерт.
19.10 «Дубляж». Махсус сони.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Айёмингиз муборак!». Табрик.
20.00 «Дармон».
20.15 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 Видео — «О». «Уйимдаги бегона» (Миср).
23.30 «Айёмингиз муборак!» Табрик.
23.35 Кинохазил.
23.50 «Спорт қитъаси».
00.10 — 00.20 «Сен бир бахтли аёл бўласан». Клип.
III
18.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
18.20 — 23.50 Россия жамоат телевидениеси.
*
23.50 Эълонлар.
23.55 — 00.05 «Бешик тўй». Телефильм.
IV
9.00 Аэробика.
9.20 Кинонинг олтин асри. «Мистер Питкин душман ортида». Бадиий фильм.
10.45 «Қор маликаси». Навоий номидаги Давлат академик Катта театрининг спектакли.
11.35 «Рақслар қанотида».
12.05 «Комедиантлар».
12.25 «Тақдирлар».
12.55 «Шанба эртаги».
13.55 Эълонлар.
14.00 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
14.50 — 15.10 Корейс тилини ўрганамиз.
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 Эълонлар.
19.15 «Чинсэн».
19.45 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.35 «Олам ва одам».
21.00 «Болалар дейишади...»
21.05 «5 дақиқа ўзинг учун».
21.10 «Спектаклдан сўнг».
21.35 «Болалар дейишади...»
21.40 «Ассалом, Франция».
22.10 «Эсдалик учун дастхат».
22.40 «Болалар дейишади...»
22.45 Кинонинг олтин асри. «Янги амазонкалар». Бадиий фильм (Польша).
00.25 «Жиллет-спорт».
00.55 «Бу ажиб дунё».
01.10 Эълонлар.
01.15 — 01.25 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 9

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
11.40 «Ўзбекистон спорти».
12.00 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 27-кўй.
12.40 «Цирк! Цирк! Цирк!»
13.10 «Спортландия» чорлайди. Ўзбекистон — Белорусия.
14.00 «Қайнона». Бадиий фильм.
15.15 — 16.15 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Катта танаффус» янгиликлари.
18.20 «Марсия». Бадиий фильм. 4-серия (Италия).
19.00 «Келгуси хафтада».
19.15 «Соғинч».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Илҳом сатрлари.
20.05 «Эгиз қушиқлар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Минбар».
21.15 «Мусиқа салтанати».
21.35 «Шаҳс ва баҳс».
22.00 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 28-кўй.
22.40 Футбол олами.
23.10 «Келгуси хафтада».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Хафтанома».
24.00 Тунги сеанс. «Онтарио соҳилида бўлган воқеа». Бадиий фильм.
01.35 Тунги тароналар.
01.45 — 01.55 «Ватан тимсоллари».
II
9.00 «Боланинг тили...»
9.15 Мульти-пульти.
9.45 «Болажон» экрани.
11.25 «Дунё кўриб дунё ярат».
11.40 «Дилором наволар».
11.50 «Унутилмас тасмалар».
13.20 «Эҳтиром».
13.45 «Мувозанат» — келгуси ҳафта тақвими.
13.55 «Мафтункор чеҳралар».
14.20 Видео — «О».
16.00 Кундузги дастур ниҳояси.
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Нихол».
18.30 Мульти-пульти.
19.00 «Таманно».
19.10 «Табиат шифохонаси».
19.20 «Имло».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мухлис ТВ-2»
20.15 «Дилором наволар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Унутилмас тасмалар».
22.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.45 Видео — «О».
00.15 «Даракчи».
00.25 «Мувозанат»—келгуси ҳафта тақвими.
00.35 Дастур ниҳояси.
III
18.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
18.10 — 21.50 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.50 Эълонлар.
21.55 «Бургут бошли бардошли қуш». Телесериал. 3 — 4-сериялар.
23.15 — 23.40 «Панорама».
IV
9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.20 «Парле ву франсе?».
11.50 Киносалон. «Етти». Бадиий фильм.
13.50 «Подиум».
14.10 «Иштирок этувчилар».
14.40 Эълонлар.
14.45 «Сенинг вақтинг».
15.15 «Афсоналар ва ҳақиқат».
15.55 «Телеташриф».
16.10 Кундузги сеанс. «Марко Поло». Бадиий фильм.
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «ТВ IV да етти кун» (ўзбек тилида).
19.15 «Менинг кўчам».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
20.05 «Биргаликда куйлайлик».
21.05 «ТВ IV да етти кун» (рус тилида).
21.20 Эълонлар.
21.25 Киносалон. «Келинлар кўзголони». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
22.40 «Мусиқий олимп».
23.10 «Камбағал кишилар». Қисқа метражли бадиий фильм.
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

Вниманию руководителей автопредприятий!
Ташкентский филиал АО УзАСК «Йўловчи»
предлагает запчасти на автомобили

ГАЗ-24	Крестовина в сборе	Прокладка клап. крыш.
Автошины РАФ 185*15	Накладки тюрм. перед.	Ремень 8.5-8-1280
Вкладыши корен.	Накладки тюрм. прицеп	Ремень клиновой 1320
Вкладыши шатун.	Наконечник рул. тяги	Ремкомплект ТНВД
Водяной насос	Пальцы рул. тяги	Сальник зад. ступицы
Втулки резьбовые	Подшипник выжимной	ТЕНТ - 54117
Гайка М-16 (стремян)	Поршень (стандарт)	Тормоз. камера перед.
Гильза поршень	Привод спидометра	Фильтр воздушный
Диск сцепл. нажимной	Прокладка коллектора	Фильтр маслянный
Диск сцеплен. ведущий	Рессоры перед., задн.	Фильтр топливный
Катушка зажигания	Сальник ступицы	Флиппер 260*508
Подшипник выжимной	Свеча А-11	МАЗ
Подшипник перед. ступ	Синхронизатор 2-3 пер	Балка передн. моста
Стойка передняя	Синхронизатор 4-5 пер	Вкладыши кор. ЯМЗ-236
Уплотнитель (флажок)	Уплотн. трубы глушит.	Вкладыши шат. ЯМЗ-236,
Шаровые пальцы в сб.	Шестерни КПП	Вкладыши шат. ЯМЗ-238.
Шкворня	Шкворня	Головка бл. ЯМЗ-240
ГАЗ-53	Шкворня с втулками	Кольца порш. на 1 порш
Блок шестерен	Шланг тормозной	Крестовина в сборе
Блок шатун. с гайкой	Накладки торм. задние	Мост перед. КРАЗ-214
Вал первичный	ЗИЛ-131	Подшипник выжимной
Дверь	Лебедка	Распылитель
Диафрагма бензонасос	Мост задний	Ремень 887, 987
Диск нажимной	Мост передний	Ремкомплект ТНВД
Замок двери	Полуось	Синхронизатор 2-3 пер
Крестовина	Редуктор задн. моста	Синхронизатор 4-5 пер
Масленный насос	Редуктор перед. моста	Шестерн. ведом борт. пер.
Накладки сцепления	Редуктор ср. моста	Шестерня ведущ. борт.
Подшипник выжимной	КАМАЗ	Автолампа А24-5-1
Распред. зажигания	Вкладыши коренные	Болты М-10 L-150, М-12 L-50
Рем. комплект вакуума	Вкладыши шатунные	Болты М-16 L-100, М-16 L-50
Ремень 10-14-1045	Водяной насос	Гайки М-10, М-12, М-16
Рычаг сцепл. с подшип	Гайка колеса	Головки блока А-01, Т-100
Сальники клапанов	Головка блока	Пистолет заправочный
Сопротивл. СЭ-107	Диск ведущий	Ремень 1250
ЗИЛ-130	Клапан двойной	Трос спидометра
Балка перед. моста	Клапан тройной	Шкворня Икарус с вт.
Вкладыши коренные	Кольца поршневые	Паранит ПМБ 0.8-2.0
Втулки шкворней	Накладки тормозные	Паранит ПОН 0. 4-1. 0 , 1. 5-4.0
Диск сцепления 3-130	Плунжерные пары	Инструменты слесарные
Кольца поршневые	Прокладка гол. блока	более 20 наименований

А также имеется в ассортименте более 300 наименований

Оплата по перечислению и векселями по договоренности.
Адрес: г. Ташкент, ул. Айбека, 47.
Тел: (3712) 54-93-07, 54-78-19. Факс: (3712) 54-76-31.

Американская компания
«САНШАЙН ИНД. ОФ АМЕРИКА ИНК»
заключает контракты
на поставку оборудования сохранения свежих фруктов
системы «VAX»
Тел: (37 12) 67-58-30, 67-94-26.